HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

# TOSHKENT HAQIQATI

VILOYAT IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

2023-yil 22-noyabr CHORSHANBA № 87 (13646)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_ QR-kod

Тухфа

## Кичкинтойлар учун Янги маскан




**Ўрта Чирчиқ туманининг "Янги турмуш" маҳалласида барча қулайликларга эга 16-давлат мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди.**






Ҳудуддаги ташландиқ бино ўрнида қарийб бир йилда янгидан бунёд этилган мазкур муассаса қурилишига 5,5 млрд. сўм маблағ сарфланди.

Очилиш маросимида сўзга чиққанлар сўнгги йилларда туманда болаларни мактабгача таълимга қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

– Ҳозирги кунда ҳудудимизда боғча ёшидаги болалар 10 минг 680 нафарни ташкил этади, – дейди туман ҳокими Ихтиёр Қосимов. – Шундан 5 минг 569 нафар бола мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олинган. Қамровни янада кенгайтириш мақсадида жорий йил ҳисобидан бешинчи давлат муассасаси фойдаланишга топширилди. Мазкур боғча ҳам кичкинтойлар сифатли таълим-тарбия олиб, соғлом ўсишларига хизмат қилишига ишонамиз.

(Давоми 2-саҳифада)

Янги нафас

## "БИР МАҚСАДДА ЮГУРАМИЗ!"







**Нурафшон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганининг 32 йиллигига бағишланган "Бир Ватанда, бир вақтда, бир масофага, бир мақсадда югурамиз!" шиори остида "Янги нафас" оммавий югуриш марафони бўлиб ўтди.**

Унда сектор раҳбарлари, бошқарма ва ташкилотлар мутасаддилари, туман ва шаҳар ҳокимлари ҳамда вилоят ҳудудларидан 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган жами 6 мингдан зиёд кўнгиллилар иштирок этишди.

4

## Вилоят бўйлаб




**ТОШКЕНТ вилояти** ҳокими Зойир Мирзаев Россия Федерацияси инвесторлари билан учрашди. Музокараларда хорижий меҳмонлар томонидан вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импортини янада ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, таълим йўналишларида ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш таклифлари киритилди.

**НУРАФШОН шаҳри** марказида баландлиги 65 метр, ҳажми 10 га 20 метр ўлчамдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ўрнатилди.



**БЎСТОНЛИҚ туманида** оммавий кўчат экиш акцияси доирасида "Ёшлар ва спортчилар боғи" барпо қилинди. Янги боғ учун ажратилган 20 гектар майдонга 2 минг 500 туп тоғ ҳудудига мос ва сувсизликка чидамли бодом кўчатлари экилди.



**ЎРТА ЧИРЧИҚ туманидаги** "Ўзбегим отлари" мажмуасига юртимизда меҳмон бўлиб турган бокс афсонаси Майк Тайсон таклиф этилди. Темир Майкка "Ахалтекин" зотли тулпор совға қилинди.



**БЕКОБОД шаҳридаги** 9-умумтаълим мактабида "Уч авлод учрашуви" бўлиб ўтди. "Нуронийлар ўгити – тарбия устуни" мавзусидаги давра суҳбатида бувижонлар ёшларга юртимиздаги тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етиш, миллий қадриятлар, одоб-ахлоқ хусусида сўзлаб, ўз ҳаётий тажрибаларидан мисоллар келтиришди.



9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни



## МИЛЛАТ ТАНЛАМАЙДИГАН ИЛЛАТ

**Коррупция – ижтимоий барқарорлик кушандаси. Бу иллат мамлакатлар ривожига катта хавф солади, унинг аянчли оқибатларидан жамият азият чекаверади. Қуйида айрим юртдошларимизнинг мавзуга доир фикр-мулоҳазаларини келтирдик.**

– Коррупцияга қарши курашиш бугунги кунда дунё ҳамжамияти олдида турган энг долзарб масалалардан бири, – дейди Коррупцияга қарши курашиш агентлиги масъул ходими Миршод Хўжаев. – Мамлакатдаги коррупция даражаси давлатнинг халқаро майдондаги ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий нуфузига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Давлатлар ўртасидаги муносабатлар, инвестициялар ҳажми, тенг шартларда икки томонлама шартномалар имзолаш каби масалаларда ушбу мезон кўрсаткичлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бу иллат тўғрисидаги хавотирли мулоҳазалар дунёнинг энг юқори минбарларида ҳам тез-тез янграмоқда. БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш жаҳон ҳамжамияти коррупция туфайли ҳар йили 2,6 триллион АҚШ доллари миқдорида зарар кўраётганини таъкидлаганининг ўзиёқ масаланинг моҳиятини намоён этади.

2

Кун тартиби

**Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев Чирчиқ шаҳрининг қиш мавсумига тайёргарлик ҳолатини кўздан кечирди.**

## ЧИРЧИҚ ШАҲРИ ҚИШГА ТАЙЁРМИ?





Айни пайтда шаҳарнинг "Иқбол" маҳалласида жойлашган туғуруқхона қозонхонаси тўлиқ таъмирланиб, ишга туширилди. 9 та кўп қаватли ва 2 та ижтимоий соҳа объектининг иссиқлик таъминоти ҳам тўлиқ яхшиланди.

Ўрганишлар давомида совуқ кунларда бу биноларни мунтазам назоратга олиш, кўп қаватли уйларнинг фасад қисми, маҳалланинг коммунал тармоқларини тартибга келтириш бўйича раҳбарларга топшириқлар берилди.

Шунингдек, Мирзоғолиб номли ва "Нур" маҳаллаларида янгидан қурилаётган қозонхона, Бобур номли маҳалладаги 10 та кўп қаватли уйнинг иссиқлик тизими, "Алея" болалар ўйингоҳи ҳамда автотураргоҳ ҳолати кўздан кечирилди.

Аҳоли билан суҳбатда муаммоларни бартараф қилиш бўйича мурожаатлар тингланди.

Бундан ташқари, мутасаддилар ҳудуддаги 8-қозонхонада якунига етказилган таъмирлаш жараёнлари ва "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар билан ҳам танишишди.

**Абдулазиз МУСАЕВ**

Обуна–2024

## Ҳурматли газетхон!

**"Тошкент ҳақиқати" газетасига 2024 йил учун обуна бўлишни унутманг.**

**Хонадонингиз ва идорангизга йил бўйи ҳафтада икки марта – чоршанба ва шанба кунлари кириб бориб, Сизни зериктириб қўймасликка, яқин маслакдош бўлишга кафолат берамиз!**

**Унутманг, оилада мутолаа маданияти газета ўқишдан бошланади!**




Нашр кўрсаткичи – 205.

# Кичкинтойлар учун Янги МАСКАН



Қайд этилганидек, илгари бу маҳаллада боғча бўлмаган. Ота-оналар фарзандларини қўшни маҳаллалардаги муассасаларга олиб боришар экан. Янги боғчанинг очилиши билан аҳолининг энг катта муаммоси ҳал этилди.

Икки қаватдан иборат муассаса 120 нафар болани қабул қила олади. Бинонинг ён томонида чиройли боғ мавжуд бўлиб, унда кичкинтойлар маза қилиб ўйнаб, мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун барча қулайликлар яратилган. Шунингдек, муассаса томига ўрнатилган қуёш панеллари ҳудудни электр билан узлуксиз таъминлаш қувватига эга.

Боғчада 30 та янги иш ўрни яратилди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

**Суҳробжон САДИРОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
*Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар*

Тадбиркорлик



**Оҳангарон туманининг "Телов" маҳалласида истиқомат қилувчи Тоҳир Ботиров бундан 5 йил илгари саримсоқпиёз етиштиришни йўлга қўйиб, "Мадина-Оҳанг-Агро" масъулияти чекланган жамиятига асос солди. Бугун эса у вилоятдаги илғор тадбиркорлардан бири.**

# Навбат – Европа бозорига

– Дастлаб ишни 9 гектар ерда бошлаган эдик, – дейди Тоҳир ака. – Қисқа вақт ичида экин майдонимизни 50 гектарга етказишга эришдик. Саримсоқпиёзнинг деярли ҳаммасини экспорт қиламиз. Фаолиятимизни бошлаган йилда 137 минг АҚШ долларилик, кейинги икки йилда эса 260 минг, 318 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни хорижга чиқардик. Асосий ҳамкорларимиз Беларусь, Россия ва Қозоғистон давлатлари. Ҳосилни йиғиб олгач, кейинги мавсумгача ерга сабзи, пиёз ва картошка экамиз. Доимий 13 нафар ишчимиз бор. Йиғим-терим вақтида 30-40 нафар мавсумий ишчилар ёллаймиз.



Аммо МЧЖда ишлар доимо силлиқ кетмади. 2020 йилда деярли бутун дунёни қамраб олган пандемия кўплаб тадбиркорлар қатори Тоҳир аканинг ишига ҳам таъсирини кўрсатмай қолмади. Айниқса, экспорт қилиш имкониятининг чекланиши ортидан даромади сезиларли даражада пасайди. Синовли даврда маҳсулотини ички бозорга сотиш билан чекланди. Пандемиядан кейин аста-секин яна ўзини ўнглаб олди. Жорий йил бошида кузатилган қаттиқ совуқ туфайли кўплаб ҳудудларда ҳосил нобуд бўлди. Лекин, қор остида бўлгани сабабли Тоҳир аканинг экинлари зарар кўрмади. 100 тоннадан ортиқ ҳосил олиб, маълум қисмини экспортга чиқарди.

– Дунёда сув танқислиги билан боғлиқ муаммо йилдан йилга авж олаётгани ҳеч кимга сир эмас, – дея давом этади тадбиркор. – Шу боис, келаси йилдан сувни тежаш мақсадида Хитой усулидан фойдаланишни жорий қилмоқчимиз. Бу усулда ҳосил экилгач, устидан целлофан тортилади. Кўчатлар ўсиб, целлофанни ёриб чиқади. Улар суғорилганда ана шу кўчатлар ёриб чиққан жойдан сув ичади. Бундай усулда 80 фоиз сув тежалади. Айни пайтда ўғлим шу технологияни мукаммал ўрганиш мақсадида Хитойга жўнаб кетган. Шунингдек, келаси йилдан Хитойдан саримсоқпиёз уруғлигини олиб келиб, экишни режалаштирганмиз. Уруғ унумдорлиги ҳамда ҳар қандай касалликка чидамлилиги билан ажралиб туради.

Тадбиркор ҳозирда Хитойдан келтирилган саримсоқпиёзни тозалаш ускунасини ўрнатмоқда. Унинг ёрдамида экспортга чиқарилмай қолган иккинчи навли маҳсулот тозаланиб, қадоқланади ҳамда колбаса ишлаб чиқарувчи корхоналар, бозор ва савдо дўконларига юборилади. Мазкур жараённинг йўлга қўйилиши натижасида яна 8 та иш ўрни яратилади.

Эндиликда тадбиркор ўз маҳсулоти билан Европа бозорларига кириб боришни режалаштирмоқда. Аммо ҳосилнинг етарли даражада эмаслиги бунга тўсиқлик қилмоқда.

– Европа давлатлари экспорт бўйича ҳамкорликни йўлга қўйишда узоқ йиллик шартнома ва аъло сифатли, кўп миқдорда маҳсулот сўрашади, – дейди Тоҳир ака. – Бизнинг маҳсулотимиз сифатли, лекин улар талаб қилган даражада кўп эмас. Шу боис, яқинда иш кўламини кенгайтириш учун имтиёзли кредит олиш масаласида вилоят ҳокимига мурожаат қилиб, ижобий жавоб олдик. Эндиги вазифамиз билдирилган ишончни оқлаш.

Тоҳир акани маҳаллада саховатли тадбиркор, дейишади. У ҳар йили кам таъминланганлар рўйхатида турган 30 оилага даласида етиштирилган сабзи, пиёз ва картошкадан капсан тарқатади. Шунингдек, тадбиркор маҳалла аҳлининг яхши ва оғир кунларида доим ёрдам беришга ҳаракат қилади.

Тоҳир аканинг айтишича, муваффақиятларининг асосий сабаби – элнинг дуосида.

**Суҳробжон САДИРОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
*Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар*

Хабарингиз борми?

## БОЛА ПУЛИ...

### Энди оиланинг моддий аҳволига қараб берилади

2023 йил 10 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақалар тайинлаш бўйича электрон шаклда ариза беришни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.



Мазкур қарор билан ижтимоий нафақаларни тайинлаш мезонларига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди:

– 2023 йил декабрь ойидан бошлаб болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлангандан сўнг "Ягона реестр" АТ ёрдамида ҳар ойда оиланинг иқтисодий ҳолати автоматик равишда мониторинг қилинади ҳамда оиланинг иқтисодий ҳолати яхшиланган (иккинчи кўчмас мулк ёки нотураржой, янги автотранспорт харид қилган ёки юқори иш ҳақи олишни бошлаган) бўлса, нафақа тўлови тўхтатилади.

– 2023 йил 16 ноябрдан бошлаб берилган аризалар учун меҳнат органларига мурожаат қилганлиги сабабли расмий бандлик талаб этилмасдан болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинланган оила аъзоси болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинланган ойдан бошлаб 3 ой давомида меҳнат органи орқали касбга тайёрлаш, малака ошириш, қайта тайёрлаш ўқув курсларида ўқимаса, марказда иш изловчи ёки ишсиз сифатида рўйхатга олинмаса, ишга жойлашмаса, якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ва ўзини ўзи банд қилган фуқаролар рўйхатига кирмаса ёки меҳнат органларининг мақбул келадиган ишга доир таклифларини мунтазам равишда (икки ва ундан ортиқ маротаба) рад қилган бўлса кейинги ойдан болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тўлови тўхтатилади.

Шунингдек, ишлаб чиқарилган муддати 12 йилдан ошмаган енгил автотранспорт воситаси мавжуд оилаларга болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш рад этилади.

Бунда, оилада I ёки II гуруҳ ва 18 ёшгача болаликдан ногирон бўлса автомобилни ишлаб чиқарилган муддати 7 йилдан ошган оилага нафақа тайинлашни рад этмаслик тартиби сақлаб қолинади.

Руҳий касалликлар бўйича диспансер ҳисобида турган оила аъзоларидан бандлик талаб этмаслик имтиёзи берилмоқда.

# МИЛЛАТ ТАНЛАМАЙДИГАН ИЛЛАТ

Коррупциянинг давлатлар иқтисодиёти, сиёсати ва ижтимоий ҳаёти учун ҳалокатли таъсирга эга эканлигини жонли мисоллар орқали бир нечта мамлакатлар инқирозида кўришимиз мумкин. Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашишда самарали амалиётга эга бўлган Сингапур, Швеция, Финляндия каби бир қатор мамлакатлар бугунги кунда энг ривожланган давлатлар қаторида эътироф этилади.

Кейинги йилларда коррупцияга қарши курашиш Ўзбекистонда ҳам давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланди. Буни соҳага оид қабул қилинган концептуал аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, коррупциянинг олдини олишга қаратилган маъмурий ислоҳотлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Хусусан, коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг бирламчи мақсадлари қаторидан жой олди.

Жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тизими тубдан такомиллаштирилиб, Президент халқ қабулхонаси, "Ишонч телефони" ҳамда "Виртуал қабулхона", шунингдек, ҳар бир вазирлик ва давлат идораларининг "ишонч телефони" ва "виртуал қабулхона"лари ишга туширилди.

Давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш механизмлари, шунингдек, жамоатчилик назорати институтлари тубдан такомиллаштирилди. Рақамли ва онлайн технологияларнинг кенг қўлланилиши давлат органларининг жамоат олдида ҳисобдорлигини оширди.

Таъкидлаш жоизки, коррупцияга қарши курашиш жараёни аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Демак, одамлар онгида ҳуқуқий тушунча, тасаввур, баҳолаш, фикр юритиш каби жараёнларгина шаклланиб қолмасдан, балки ҳуқуқий тизимнинг турли соҳалари, яъни ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқий амалиёт, суд жараёни, жазо тайинлаш, адлия органлари хизмати, прокуратура ва бошқалар ҳақида ҳам тушунчалар бўлиши зарур.

– Чуқур ўйлаб қарасак, порахўрлик инсоннинг нафси, маънавияти, дунёқараши, эътиқодининг қандайлигига қараб юзага келади, – дейди филология фанлари доктори Беруний Алимов. – Айримлар моддий етишмовчилик кишини бировдан тама қилишга мажбур этади, деб ҳисоблашади. Лекин шундай инсонлар борки, уйида бир бурда нони қолмаса ҳам, бировнинг ҳақини емайди. Ҳеч кимдан ҳеч нарса талаб қилмай, борига қаноат қилиб яшайди. Баъзилар эса ҳамма нарсаси тўла-тўкис бўлишига қарамай, доимо ниманингдир илинжида манфаат кутиб яшайди. Эътибор берсангиз, айримлар ўз ишида ёки ҳаётида юқори чўққиларга кўтарилишни хоҳлайди ёки бошлиғига яқин бўлиб олишни, унинг назарига тушишни истайди. Бунинг учун у керакли одамнинг "оғзини ёғлаш" зарур, деб ўйлайди. Шу хусусда яна бир гап: кишилик жамиятида порадан ҳам ёмонроқ нарса бор. Бу непотизм, яъни фаворитизм, янада соддароқ айтсак, қариндошуруғчилик, таниш-билишчилик. У жамиятда мавжуд бошқарув тизимига жиддий, кечирилмас даражада зарар етказади.

– Коррупция – жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган ва ривожланишига тўсқинлик қиладиган иллатдир, – дейди Ўзбекистон Миллий университети тарих фани ўқитувчиси Шаҳзод Боймуродов. – Ривожланган давлатлардан тортиб қашшоқ мамлакатларгача порахўрликка қарши курашишга ҳаракат қилиб келади. Миллат танламайдиган бу иллат туфайли демократия унсурларига путур етади, инсон ҳуқуқлари бузилади, иқтисодиёт тармоқларининг орқага кетиши натижасида ҳаёт сифати ёмонлашади, жиноятчилик авж олади. Коррупциянинг кенг илдиз отишига фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражаси пастлигини ҳам сабаб сифатида кўрсатиш мумкин. Ўз ҳуқуқини билган одам қонунларга амал қилади.

Масалан, шифокор бемордан тама қилса, чўнтагига қараб унинг дардини енгиллатишни пайсалга солса, бу ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин? У қасамёд қилганда ҳалол, ўз касбига фидойи бўлишга ваъда берган-ку?! Аммо кўп ҳолларда касбга хиёнат қилинади. Кузатишлардан маълум бўлдики, нотўғри ёки кечикиб қўйилган ташхис, кўплаб касалликларнинг ўтиб кетиши ва охир-оқибат бемор ҳаётининг хавф остида қолиши айрим шифокорларнинг бемор томонидан ўз вақтида "рағбатлантирилмаслиги" сабабли юзага келаётган экан. Хуллас, шунга ўхшаган у ёки бу сабаб бўлиб олинган "ҳадя" барибир эгасига юқмайди. Таассуфки, бу оддий ҳақиқатларни ҳамма ҳам тушуниб етавермайди.

Юқоридаги фикрлардан англаш мумкинки, коррупцияга қарши ёшу қари маърифат билан курашсагина, иллатнинг илдизини қуритиш мумкин.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

**Ўткир АЛИМОВ (ЎзА) ёзиб олди**

Дарвоқе

**Ижтимоий тармоқларда Тошкент вилоятида икки минг йиллик тарихга эга "Қанқа" археология ёдгорлиги ҳудуди ўзбошимчалик билан ўзлаштириб олингани ҳақида хабарлар тарқалди.**

**Мазкур ҳудудда уй-жойлар қурилиши, боғ ва экин майдонлари ташкил этилгани кескин танқид қилиниб, кенг муҳокамаларга сабаб бўлди.**

# ҚИММАТГА ТУШГАН БЕФАРҚЛИК

## ёхуд "Қанқа шаҳристони" ёдгорлигига етказилган зарар бўйича жиноят иши қўзғатилди

Мазкур ҳолатлар бўйича Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан Миллий археология маркази, Маданий мерос агентлиги ва Кадастр агентлиги мутахассислари иштирокида ўтказилган ўрганишда ҳақиқатан айрим фуқаролар томонидан ёдгорлик ҳудудига жиддий зарар етказилгани маълум бўлди.

Маълумот ўрнида: Вазирлар Маҳкамасининг "Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"-ги 2019 йил 4 октябрдаги қарорига кўра, "Қанқа шаҳристони" 320-рақам билан моддий маданий мерос объекти сифатида рўйхатга олинган.

Объект милоддан аввалги III аср – милоднинг XII асрига тааллуқли бўлиб, у давлат мулки сифатида Тошкент вилояти маданият бошқармасига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида берилган.

Тарихий манбаларга кўра, ушбу ёдгорлик Тошкентнинг энг қадимги пойтахт шаҳри бўлиб, Марказий Осиё халқлари тарихида муҳим ўрин тутади.

Хусусан, 1977 йилда қазув ишлари натижасида очилган ва кейинчалик собиқ иттифоқ даврида "колхоз"га бериб юборилган шаҳарнинг мудофаа девори ичидаги учинчи шаҳристон ҳудуди ҳанузгача қайтариб олинмаган. Ҳудуддаги майдонлар суғорилиши натижасида ёдгорликнинг қолган қисмига жиддий зарар етказилган. Бу қадимий меъморий иншоотлар, девордаги расмлар ва бошқа ноёб топилмаларнинг емирилишига олиб келган.

Шунингдек, учинчи шаҳристоннинг жануби-ғарбий қисмини ўраган мудофаа деворининг ички ва устки қисми маҳаллий фермер томонидан эгалланиб, бу жойда айрим фуқаролар уй-жой қуриб олган. Ёдгорликнинг жанубий қисмидаги мудофаа девори ички қисмида қарийб бир гектар майдон ҳам эгаллаб олиниб, тураржой қурилган.



Ёдгорликнинг жануби-шарқий томонидаги мудофаа деворининг ички қисмидаги майдон экинзорга ҳамда маҳаллий аҳоли ва ташкилотлар томонидан чиқинди ташлаш жойига айлантирилган. Соҳага масъул идораларнинг бефарқлиги сабабли объектнинг туристлар ташриф буюриши мумкин бўлган ғарбий ва жанубий томонидаги йўлларнинг ёдгорликка кириш қисми ҳам, афсуски, чиқиндихона вазифасини ўтаб келмоқда.

Ёдгорликнинг кадастр ҳужжатига кўра, унинг умумий ер майдони 104,99 гектарни ташкил этади. Ҳозирда унинг 0,50 гектарига фуқаро А.Б., 0,79 гектарига фуқаро Т.Б. қишлоқ хўжалик экинлари экиб, ўзбошимчалик билан ушбу ер майдонидан ноқонуний тарзда фойдаланиб келмоқда.

Бундан ташқари, соҳага оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг бир қатор талабларига зид равишда Оққўрғон тумани ҳокимининг 2016 йил 8 июндаги 566-сонли қарори билан фуқаро А.П.га тураржой бино-иншоотлари ва улар билан банд бўлган ер участкалари мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан ёдгорлик ҳудудидан 0,56 гектар ер майдони ажратилган. Ушбу майдоннинг 140,4 кв. метр қисмига 3 та яшаш уйи, 2 та кириш хонаси, қурилиши тугалланмаган бино ва бостирма қурилган ҳамда бир қисмига боғ ташкил қилинган.

Ўрганиш жараёнида вилоят Маданий мерос бошқармаси ходимлари томонидан А.Б., Т.Б ва А.П.га маданий мерос кўчмас мулк объектига етказган моддий зарар бўйича тегишли далолатномалар расмийлаштирилди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектига А.П. томонидан 10 миллиард 367 миллион 448,3 минг сўм, А.Б. томонидан 2 миллиард 423 миллион 520 минг сўм, Т.Б. томонидан эса 1 миллиард 93 миллион 950,0 минг сўм миқдорида моддий зарар етказилган.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Ахборот хизматидан маълум қилишларича, вилоят прокуратураси томонидан айбдор шахсларга нисбатан Жиноят кодексининг 132-моддаси тегишли бандлари билан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**ЎзА**



“Тошкент ҳақиқати” йўқлови

**1989 йилнинг ёз ойлари. Навбатдаги ёзги амалиётимни ўташ ниятида ўша йилдан давлат тилида чиқа бошлаган “Ангрен ҳақиқати” газетаси таҳририятига йўл олдим. Бунгача республика нашрларида, рус тилида чоп этиладиган “Ангренская правда” газетасида амалиёт ўтагандим, аммо айнан “Ангрен ҳақиқати” газетасининг давлат тилида чоп этила бошлагани менга ўзгача куч ва қанот бағишлаганди. Негаки, она тилимда ҳамшаҳарларим учун яйраб ёзиш имкони туғилганди.**

# Бола кўнгилли шоир

“Ангрен ҳақиқати” илк бор саксонинчи йиллар охирида маҳаллий олимлар, матбуот жонкуярлари саъй-ҳаракати билан давлат тилида чиқа бошлаган. Таҳририятда атиги уч нафар ходим ишларди: муҳаррир, мухбир, ҳарф терувчи. Ижодий жамоага “Ангренская правда” таҳририятидан бир хона ажратилган, уч нафар ходимнинг қўли қўлига тегмасди. Ва бу сафга мени ҳам жамоатчи мухбир сифатида бажонидил қабул қилишди. Ўша вақтда газета саҳифаларини асосан ягона штатдаги мухбир Неъмат Душаев турли мавзудаги мақолалари билан тўлдирар, янги нашрнинг мухлислари тобора ортиб борарди. У пайтда ахборот манбалари чеклангани боис ангренликлар учун ўзбек тилида чоп этилаётган нашр янгилик эди. Шу боис жамоатчи мухбирлар оқиб келар, айниқса, талаба-ёшлар жуда фаол эди. Обуна масаласи ҳам ҳозиргидай улкан муаммога айланмаган, маънавий ўсишга ташна халқ ўртасида газетхонлик ва китобхонлик даражаси жуда юқори эканлиги ижод аҳлини янада қизғин фаолият юритишга ундарди.

“Ангрен ҳақиқати” газетаси таҳририятидаги ўша ягона мухбир – “Оҳангарон” газетасидаги қайноқ муҳитда бирмунча чархланган, тўпори ва ҳақиқий тоғлик қурамаларга хос хусусиятлари билан соҳадаги амалий кўникмамга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган, кейинчалик қизғин журналистик фаолияти, шунингдек, болалар шеърияти орқали ўз мухлисларини топган Неъмат Душаев эди...

Мана салкам 35 йилдирки, Неъмат аканинг матбуотдаги узоқ йиллик маҳорати ҳамда ижодий салоҳиятидан яхшигина бохабарман. Қизиғи шундаки, ёшимиз ўртасидаги тафовут атиги уч ёш бўлгани боис аввал бошданоқ устоз-шогирд сифатида эмас, кўпроқ ҳамкор, ҳамкасб ўлароқ баҳс-мунозаралар, тортишувлар тўлқинида иш бошладик. “Ангрен ҳақиқати” газетасининг илк тахламларида биргаликда қизиқарли саҳифалар, танқидий чиқишлар қилдик. Ҳамкорликда таҳририят қошида адабий-бадиий тўгарак ҳам ташкил қилганмиз. Бора-бора таҳририят жамоаси кенгайди. Неъмат Душаев масъул котиб бўлди. Назаримда ижтимоий-иқтисодий мавзудаги мақолаларни ҳеч ким Неъмат акадек маромига етказиб ёзолмасди ва бу салоҳият Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзАдаги фаолиятида ҳам мустаҳкам пойдевор бўлди.

Неъмат ака билан ижодий ҳамкорлигимиз кейинчалик бошқа нашрларда ҳам давом этди. 2013-2015 йилларда “Улуғ йўл” газетасида бирга ишладик. Неъмат ака асаларидек тинмас, ҳам газетада ишлар, ҳам коллежда ёшларга сабоқ берарди. Газета “қаддини ростлагач” нафақат Ангрен, балки қўшни туманларда ҳам ўз обуначиларига эга бўлди. Бунда Неъмат Душаевнинг ҳиссаси катта эди. Одамлар ўзини ижтимоий тармоқларга банди қилаётган бир пайтда газета учун қайғуриш, обунаси билан шуғулланиш каби юкни ўз елкасига олди.

Таҳририятга Неъмат акани йўқлаб келадиганлар орасида етти ёшдан етмиш ёшгача ўқувчилар борлиги устознинг камтарлиги, шинавандалиги, содда ва самимийлигидан далолат берарди. У ҳузурига келганларни очиқ чеҳра билан кутиб олар ва эшиккача кузатиб қўярди. Болалиги оғир шароитда ўтганигами, ҳаммага бирдек меҳр беришга, кўнглини олишга уринарди. Қаттиқ очилиб-ёпилган эшикка қайтиб ҳеч ким йўламаслигини устоз теран англар, барчага баробар самимиятини сақларди.

Неъмат Душаев айни пайтда “Ўзбеккўмир” АЖ бош директорининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси – матбуот котиби вазифасида хизмат қилиб келмоқда. Унинг серқирра ижодий фаолиятидан публицистик мақолалар, шеърлар ва ҳикоялар ўрин олган.

Эътиборлиси, бугунги болалар адабиёти ривожида ҳам шоирнинг ҳиссаси бор. Унинг бир туркум шеърлари мактаб дарсликларидан ҳам ўрин олгани фикримиз исботидир. 2005 йилдан буён Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинган шоирнинг “Сахий хаёлпараст” (1993), “Ғалати бўталоқ” (1995), “Сеҳрли таёқча” (1997), “Ким зўр?” (2004), “Улар довон йўлини қурган эдилар” (2010), “Инсон ва довон” (2011), “Гурумдаги гурунглар” (2011), “Ари чақди Набини” (2018), “Икки думли фил” (2020), “Умр дарахти” (2020) номли китоблари чоп этилган. Куни кеча эса Неъмат Душаевнинг тўрт китобдан иборат сайланмасининг болаларга бағишланган “Ширин сўзнинг кучи” деб номланган биринчи китоби нашрдан чиқди.

Бугунги глобаллашув ва интернет асрида болаларни шеърга, хусусан, китоб ўқишга жалб қилишнинг ўзи бўлмайди. Аммо яхши шеър ҳамиша ва ҳамма даврда кўнгил мулкига айланиб бораверади. Болалар адабиётининг истеъдодли вакилларидан бири Неъмат Душаев қизиқарли ва ёдда қоладиган шеърлари билан ўқувчилари меҳрини қозонди. Айниқса, таълим муассасаларидаги адабий учрашувларда бирга бўлганимизда ўқувчилар Неъмат акага жўровоз бўлиб, шеърларини ёддан ўқишганини кўриб, ҳавасим келган.

Инсонни камтарлик безайди, камолотга етаклайди. Тоғларга туташиб кетган Соғлом қишлоғининг серфарзанд оиласида вояга етган тўпори бир боланинг машаққатли меҳнат, тинимсиз интилиш орқали элга танилишининг ўзи катта бахт. Неъмат Душаев бу бахтга осонликча эришмади. Ҳар бир китоби устида йиллаб тер тўкди. Болаликнинг беғубор оламида бола бўлиб яшамоқ, бола кўнглига монанд сўз топиб айтмоқ, мурғак қалбида шеър айтишга ва китобга меҳр уйғотмоқ, ватанпарварлик, дўстлик, меҳрибонлик туйғуларини митти юракчаларда куртак отишига дохил бўлмоқликнинг ўзи бахт. Сабаби, болаларга атаб шеър ёзган шоирнинг дилида ғубори, қалбида қаҳри бўлмайди.

Биз бугун олтмиш ёшини қарши олган Неъмат акага тўқсон ва юз ёшларида ҳам ана шу бахтни ҳис этиб яшашини тилаб қоламиз.

**Нигора ШОФАЙЗИЕВА,**
**Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

## СПОРТ янгиликлари

### ЖАМОАМИЗ ҚИТЪАДА ТЕНГСИЗ

**Тошкентда дзюдо бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида Осиё чемпионати якунланди.**



Унда ҳамюртларимиз 7 та олтин, 3 та кумуш ва 6 та бронза, жами 16 та медаль билан умумжамоа ҳисобида биринчи бўлишди. Вакилларимиздан Гулҳаё Жўраева (-52 кг.), Фарангиз Реджепова (-57 кг.), Барчиной Қодирова (-70 кг.), Ширинжон Йулдошева (-78 кг.), Фотима Курамбоева (+78 кг.), Рустам Шораҳматов (-100 кг.) ҳамда Маҳмуджон Маҳсудов (+100 кг.) шоҳсупа тўридан жой олишди.

Эслатиб ўтамиз, аввалроқ ўсмирлар тоифасидаги баҳсларда ҳам ўзбекистонлик дзюдочилар 7 та олтин, 5 та кумуш ва 5 та бронза, жами 17 та медални қўлга киритиб, 15 мамлакат орасида умумжамоа ҳисобида биринчи бўлишган эди.

### ҚИЛИЧ ЎЙНАТГАН ҚИЗЛАР

**Тошкентда қиличбозликнинг сабля йўналиши бўйича қизлар ўртасидаги Жаҳон кубогининг навбатдаги босқичи якунланди. Дунёнинг 8 мамлакатидан 50 нафардан ортиқ қиличбозлар иштирок этган беллашувлар ҳамюртларимиз учун ёрқин ғалабаларга бой бўлди.**



Хусусан, жамоавий дастурда қатнашган Фернанда Эррера, Гулистан Пердибаева, Наргиза Жаксибаева ва Самира Шокировадан иборат Ўзбекистон қизлар терма жамоаси барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медалларни қўлга киритишди.

Ҳамюртларимиз ярим финалда Жанубий Кореяни 45:26, финалда қозоғистонликларни 45:37 ҳисобида доғда қолдиришди.

### ҲАФТАЛИК РЕЙТИНГ

**Профессионал теннисчилар Ассоциацияси янгиланган ҳафталик рейтингини эълон қилди.**



Мазкур рейтингда теннисчиларимизнинг аксариятида пасайиш кузатилди. Биринчи ракеткамиз Ҳумоюн Султонов 11 поғонага пастлаб, айни пайтда 100 очко билан 436-ўринни эгаллаб турибди. Иккинчи ракеткамиз Сергей Фомин эса 19 поғона қуйига шўнғиб, 723-ўринни банд этди. Ўзбек тенниси байроқдори, ўз вақтида дунё рейтингининг кучли 40 талигида эътироф этилган Денис Истомин бор-йўғи 6 очко билан 1 минг 165-ўринда.

**“Тошкент ҳақиқати” мухбири**
**Суҳробжон САДИРОВ тайёрлади**

Танлов



# ИЗЛАРИДАН ИБО ЭРГАШГАН ҚИЗЛАР



**Кеча Янгийўл шаҳридаги 5-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабида Зулфия номидаги давлат мукофотига тавсия этиш бўйича кўрик-танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

Танлов комиссияси аъзолари, устоз ва мураббийлар, ота-оналар иштирок этган маросимда дастлаб танловнинг 7 йўналиши бўйича туман ва шаҳар босқичларида аниқланган 105 нафар ғолиблар тақдирланди.

Вилоят босқичига келган қизларнинг иқтидори, билим ва маҳорати нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан сараланди ва энг муносибларга республика босқичига тавсия берилди.

Танловда вилоят ҳокимининг ўринбосари Зуҳра Мирғозиева сўзга чиқди.

Эълон

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, “Бўз” МФЙ, Бўз-1 мавзеси, 25-уй, 2-хонадонда жойлашган “ALP PROF WORLD” масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 310 615 336)га тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**– Ўртоқлар, ичларингизда ташландиқ борми?**

**Залда ўтирганлар минбарга чиққан кап-катта ёзувчи, бунинг устига кўкрагида Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган нишони бор одам томонидан даб-дурустдан берилган бу саволни эшитиб, турган гапки, ҳанг-манг бўлиб қолишарди. Шу боисдан бу саволга ҳеч ким “ҳа” ёки “йўқ” ҳам деб жавоб бермасди. Шунда у залга қараб тикилиб, бироз кутиб тургач, ўзининг бу сўзларига шундай изоҳ берарди:**

**– Мабодо бўлса, шуни яхши билинглар, ташландиқ, албатта, бахтли бўлади, мана мен – ташландиқман ва ўзимни бахтли деб ҳисоблайман.**

Ёзувчи ён дафтаридан

# “ТАШЛАНДИҚ” ҚАҲРАМОН







Бу гапни Тошкентда яшовчи рус ёзувчиси, собиқ ҳарбий учувчи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Борис Ермилович Тихомоловдан бир неча марта эшитганман. Эшитганда ҳам оддий суҳбатда эмас, ижодий учрашувларда. Ўша пайтларда Ўзбекистон Ёзувчилар Союзининг Адабиётни тарғибот қилиш идораси ёзувчиларни жойлардаги турли ташкилот ва муассасаларга учрашувларга юборар, менга кўпинча Борис Тихомолов билан бирга боришга тўғри келарди. У турган гапки, рус тилида гапирар, керак бўлганда мен унинг ҳикояларини ўзбекчага таржима қилиб турардим. Ёзувчи юқоридаги – эшитганни “ҳанг-манг” қилиб қўядиган кириш сўзидан кейин ўзининг ҳақиқатан ҳам ташландиқ эканини, Бакуда туғилганини, уни Тихомолов деган бир масъул ишда ишлайдиган одамнинг оиласи ўз тарбиясига олиб, вояга етказганини айтар ва “Асл ота-онам кимлигини билмайман-у, аммо менда мусулмон қони оқишини сезиб тураман”, деб қўярди. Новчадан келган, юзлари бироз чўзиқроқ, қўй кўзлари кишига жиддий ва маъюс боқувчи инсоннинг бу тарздаги ростгўйлиги, қалби очиқлиги тингловчиларга чуқур таъсир қилар ва унинг сўзларини, ҳаётидаги, айниқса, Иккинчи жаҳон уруши йилларида бошидан кечирганлари ҳақидаги ҳикояларини қизиқиш билан эшитишарди. Унинг ҳаёти эса хоҳ урушгача бўлсин, хоҳ уруш даврида бўлсин бир-биридан қизиқарли, қаҳрамонона воқеа ва саргузаштларга бой эди.

Маълум бўлишича, Борис Ермиловичнинг ўсмирлиги Ўзбекистонда ўтган экан, у бу ердаги қурилишларда ишлаб, кейин учувчилик курсларини битиради ва оддий самолётларда учиб, геологик қидирув хизмати топшириқларини бажаради.

– Икки қанотли У-2 самолётида учардим,– деб бир гал тингловчиларга ҳикоя қилиб берди у.– Бир куни Қорақалпоғистон, Амударё соҳилларидаги кўллар, тўқайлар устидан учиб келаётган эдим. Ёнимдаги қорақалпоқ йигит бирдан мени туртиб, пастни кўрсатиб; “Жўлбарс, жўлбарс!”– деб қолди. Қарасам оролчага ўхшаган бир дўнгликда буталар орасидан каттагина бир йўлбарс чиқиб самолётимизга қараб турибди, қўрқмайди ҳам. Бирдан миямга “уни бир боплаб қўрқитайми”, деган фикр келди-ю, самолётни пастлатиб, унга қараб қиялаб шўнғитдим. Мен йўлбарс самолётдан қўрқиб тирақайлаб қочса керак, деб ўйлагандим. Аммо ёнимдаги шеригим бор овози билан додлаб юборди, қарасам ҳалиги йўлбарс биздан қочиш ўрнига самолётимизга қараб бор кучи билан сакраса бўладими? Мен жон-жаҳдим билан штурвални ўзимга тортдим, самолёт вариллаганича юқорига кўтарилди, йўлбарс эса шундай ёнгинамиздан пастга қулади. Хайрият, ўз вақтида кўтарилибмиз, бўлмаса у нақ парракка тегиб, самолёт қулаб ҳалок бўлардик...”

Юқоридаги ҳикояда озгина лоф бўлиши мумкин-у, лекин бу собиқ учувчи, бунинг устига қаҳрамон тилидан айтилаётган эди, шунинг учун ҳамма уни жон қулоғи билан тинглarди.

– Бир сафар эса самолётда сичқон билан бирга учганман,– деб ҳикоя қилди Борис Ермилович бошқа бир учрашувда. – Мен ўшанда узоққа учувчи махсус бомбардимончи самолётлар полкида хизмат қилардим. Биз немисларнинг орқа томонига, Берлин ва бошқа шаҳарларни бомбардимон қилиш учун учардик. Бир гал кечаси Берлинга учдик. Пастда чироқлари жимир-жимир қилаётган Берлин, фашистларнинг қоқ уяси. Улар бизнинг самолётлар устларига учиб келиб бомба ташлаши мумкинлигини хаёлларига ҳам келтирмасдилар. Буйруққа кўра, бомбаларни шаҳар устига ёғдирдик. У ер-бу ерда катта портлашлар бўлганини, ёнғинлар бошланганини кўриб турибмиз. Топшириқни бажариб, душман қирувчи самолётлари келиб қолмасдан тезда юқорилаб, булутлар устига чиқиб кетдик.

Самолёт ўн километрдан юқорироққа кўтарилганда ҳаво етишмай қолади, шунда кислородли махсус ниқоб кийишга мажбур бўламиз. Мен ниқобни энди кийган эдим ҳамки, самолётимнинг олд деразасида бир нарса қимирлагандай бўлди. “Наҳотки душман қирувчи самолётлари олдимиздан тўсиб чиқишган бўлса?”– деган ташвиш билан апил-тапил чироқларни ёқиб юбордим. Қарасам – ойна олдида бир сичқон дилдираб турибди. Афтидан у самолётда бўлган-у, кислород етишмаганидан бетоқатланиб, ниқобимдаги кислород ҳидини сезиб ўша ёққа кўтарилган. Кўп ўтмай у “лип” этиб мен кийган ниқобга, нақ қулоғим остига чиқиб ёпишиб олди.

– Ўртоқлар, сичқон! – дедим рация орқали орқа томонимда ўтирган штурман ва ўқчи шерикларимга.

– Сичқон? Қанақа сичқон?– деб жон-жаҳди билан сўрашди улар бу гапни душман самолёти ҳақида деб ўйлаб.

– Ўзимизнинг сичқон, – дедим мен. – У биз билан Берлинни бомбардимон қилиб қайтяпти...

Собиқ учувчи Борис Ермилович Тихомолов ана шундай ажойиб суҳбатдош ва ҳикоячи эди, унинг бошидан кечирган саргузаштлари ҳеч тугамасди. Аммо кўп ўтмай у вафот этди. Ундан юқоридаги каби қизиқарли воқеалар баён этилган “Осмон сурури” номли китоб қолди.

**Мухтор ХУДОЙҚУЛ**



# “БИР МАҚСАДДА ЮГУРАМИЗ!”





– Сўнгги йилларда вилоятда спортга бўлган эътибор сезиларли даражада ошди, – дейди вилоят ҳокими Зойир Мирзаев. – Бугунги кунда аҳоли, айниқса, ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилмоқда, кўплаб янги спорт майдончалари қурилмоқда. Натижада спортга қизиқувчилар сони йилдан-йилга ортмоқда. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилаётган “Янги нафас” марафонлари ҳам борган сари оммалашиб, анъанага айланаётгани таҳсинга лойиқ. Келгусида ушбу марафон нафаси ҳар бир хонадонда сезилиб туришини хоҳлаймиз. Зеро, спорт инсонни ҳам соғлом қилади, ҳам комилликка етаклайди.

Марафон кўтаринки кайфиятда ўтди.

Шаҳар марказидаги Ватанимиз байроғи ўрнатилган майдонда ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими ўтказилди.

Унда вилоят ҳокими номинациялар ғолиб ва совриндорларига ташаккурнома ва эсдалик совғаларини топширди.

– Оиламизда ҳамма спорт билан шуғулланади, – дейди “Энг ёши улуғ эркак” номинацияси ғолиби Фурқат Абдужабборов. – Марафонда набираларим билан қатнашдик. Барча ташкилотчиларга раҳмат. Келгусида бу каби мусобақалар давомий бўлишини истардим.

**Суҳробжон САДИРОВ,**
**“Тошкент ҳақиқати” мухбири**
*Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар*

**(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)**







## Мана гап

*Пул билан ҳал қилинадиган ҳамма нарса арзондир...*

*РЕМАРК, олмон адиби*

# МАДАНИЯТ МАСКАНИДАГИ МАДАНИЯТСИЗЛАР

Мулоҳаза



Томошабин маданияти бизда энг оғриқли муаммолардан бирига айланган, десак айбга буюрмассиз. Айниқса, телефон деган бало чиқдию (фойдали томони ҳам кўп, инкор этиб бўлмайди), бу "маданият" яна ҳам аянчли аҳволга келди, назаримизда.

Кўпчилик билади, кўзи билан кўрган. Шунинг учун умумий манзарани ортиқча таърифлаш ҳам шартмас. Саҳнада қайсидир таниқли санъаткор қўшиқ ижро қилаётганда гул бергани чиқиб, эсдалик учун ёнида сельфи тушиш урфга айланди. Бири бошласа, орқасидан ўнтаси эргашиб, шу ишни қилади. Катта бир саҳна гўё тўйдагидек бетартиб манзарани эслатиб юборади. Ташқаридан қараганда бу жудаям хунук кўринади. Бошқа томошабинларга нисбатан эса, ҳурматсизлик.

Биринчидан, гулни бериш вақти бор. Санъаткорнинг фикри, дастури бўлиниб қолмайдиган вақтда бериш лозим. Сельфини эса имкон топилса концертдан кейин қилган маъқул. Концертга келдингизми, телефонни ўчиринг, бир-икки соатга ҳамма нарсани, ташвишларни унутинг. Маза қилиб дастурни томоша қилинг. Маънавий озуқа олинг. Асосий мақсад шу бўлиши керак.

Раҳматли Ҳожибой ака: "Узр, биз эрта бошлаб қўйдик", деб киноя қилгани ҳам бежиз эмасди. Ҳалигача шу "касаллик"дан қутулолмадик. Концертми, спектаклми, бошланганига ярим соат ўтса ҳамки уёқдан буёққа юриш, жой қидириш, жой алмаштириш тўхтамайди. Баланд овозда гапириб, атрофидагиларга ҳалал берадиганлар фаросатининг эса ўлчови йўқ. Жаҳлинг чиқади. Кайфиятинг бузилади. Бу – маданиятсизлик. Бу кабилар на ўзини ва на бошқаларни ҳурмат қилади.

Яна бир иллат борки, бу ҳали спектакль ёки концерт тугамасдан зални тарк этиш. Бу нафақат бошқа томошабинларга, балки саҳнадаги ижодкорларга, уларнинг меҳнатига ҳурматсизлик. Дастур якунланаётганини сезсак тамом, "гуррр" этиб ўрнимиздан қўзғаламиз. Шошманг, ахир. Ҳеч бўлмаса одамгарчилик юзасидан 2-3 дақиқа чиданг. Бир жойингиз камайиб қолмайди. Чиқишлар ёққан бўлса олқишланг. Саҳнадагиларга миннатдорликни шу йўл билан изҳор қилса бўлади-ку?! Энг гўзал маданият шу аслида. Ижодкорлар қанчалик руҳланади бундан, тасаввур қилиб кўринг. Сиз учун меҳнат қилди, ахир.

Театрда ҳам шундай дард бор. Юришлар тўхтамайди, кимдир егулик ейди, биров шериги билан гаплашади, аҳён-аҳёнда чақалоқнинг чинқираб йиғлаган овози ҳаммаёқни тутиб кетади. Булар саҳна билан томошабин ўртасидаги жонли мулоқотга тўғаноқ бўладиган манзаралардир. Қачон қутуламиз бу иллатлардан? Қачон ҳақиқий маданиятли одамлардек томоша қиламиз. Қачон?

Мана шу мавзуга яқинроқ, тўғрироғи, боғлиқ бўлган яна бир масала борки, ўрни келганда айтиб ўтсак. Кўп кузатамизки, ҳафта охирида дам олиш режасини тузаётганда аксариятимиз учун "ким эрийди", "қаерда ўтирамиз?"дан бошқа мавзу йўқдек, гўё. Дам олиш фақат еб-ичишдан иборат эмас-ку?! Нима учун оилангизни олиб бир марта бўлсин музейга бориш ҳақида ўйламайсиз? Нима учун оилавий спектаклга боришни режалаштирмайсиз? Нима учун? Чет элдан келганларга бир разм солинг. Дарров музей борми, деб сўрайди, боради, кўради. Биз четга борсак ҳам бозор-ўчардан ортмаймиз. Бордир музейларга борадиганлар. Лекин кам. Нима учун шунақамиз, ахир?

Буларнинг ҳаммаси тарбия, дунёқараш билан боғлиқ. Балки боғча ва мактабларда шу маданиятни, томошабин маданиятини ҳам жиддийроқ ўргатармиз. Ҳозирча бу сезилмаяпти. Лекин сезилиши керак. Ҳозир тарбияласак, беш-ўн йилда кўп нарса ўзгаради. Маданиятли томошабин шаклланади. Бу кўп нарсага ижобий таъсир қилади. Муомала ўзгаради. Одоб кучаяди. Хуллас, бундан фақат фойда бўлади.

Сиз нима дейсиз?

**platforma.uz**



**Ҳар қандай улкан истеъдод эгалари каби, мумтоз адабиёт намояндаларида ҳам ҳазил-ҳузулга мойиллик юқори бўлган. Ўзи ва ўзгалар устидан беозор тарзда кула билиш учун ҳам нозик таъб, хатарли чизиқларни бузмаслик илми талаб қилинади.**

Одамийлик шеваси

# Ҳазратона ҳазиллар

Ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳазиллашиш объекти бўлиш ҳам замондошлари учун катта бахт бўлган. Боиси, Алишер Навоий нафақат шоир, шу билан бирга йирик сиёсий арбоб ҳам эди. Сарой ҳудудидан ташқарида эса шоир ўлароқ кўпроқ ўз фитратига содиқ ижодкор бўлиб қолишга эришган.

Абадий муҳитда у кўпроқ тенгдоши Биноий ва ўзидан деярли ўттиз ёшлар катта бўлган пири Абдураҳмон Жомий билан ҳазиллашиб турганига доир тарихий ривоятлар кўп. Уларда Биноий кўпроқ жабрдийда ролида бўлса, баъзан Навоийнинг ўзи Жомийнинг “жабрдийдаси”га айланиб қолади. Боиси, Абдраҳмон Жомийнинг ўзи сатира ва аския бобида унча-мунча одамга гапини бермаган. Бунинг устига, Жомийнинг ёши улуғлиги учун Навоий одоб доирасидан чиқиб кетмасликка ҳаракат қилган бўлса, эҳтимол...

Ривоят қилишларича, Жомий ўз дўстлари билан бир гал Самарқандда сайр этиб юрганида, маҳаллий машҳур шоир Ҳокий шерикларига хитоб қилибди:

– Мана бу Хуросон ҳангилари бу ерда нима қилиб юрибди ўзи?

Абдураҳмон Жомий бунга жавобан шундай деган экан:

– Ҳок (ҳокий) излаб юрибмиз, ҳок! Топсак, устида бир-икки юмалаб олардик! (Фахриддин Али Сафий, “Латойиф”)

Навоий пири Жомийни тез-тез ҳовлисига меҳмонга чорлар, мабодо кела олмаса, бирор хизматкоридан таом бериб юборарди. Бир гал қўзи гўштидан қовурдоқ олиб келган хизматкорни Жомий ўзи билан бирга тамадди қилишга таклиф этибди. Ёшроқ хизматкор таом бошидан сузиб берилган насибани олиб келгани учун ўлгудек оч экан. Иштаҳаси қўзиб, улуғ ёшдаги Жомий шошилмай бир олганида, таомга уч-тўрт бор ҳужум қилиб, товоқни бўшатиб қўйибди. Жомий хизматкорга ҳожаси учун ўз миннатдорчилигини ифодалаб хат ёзиб берворибди. Навоий ўқиб кўрган шеърий байтда шундай дейилган экан: “Чопар таомни кифтида олиб келиб, қорнида олиб қайтди!”

Навоийга замондош Ҳирот шоирлари орасида Шайхим Суҳайлий, Ҳусайн Али Туфайлий, Осафий ва Биноий каби яна ўнлаб аҳли шуаро бор эди.

Биноийнинг ўзи ҳам қитмирроқ бўлиб, унинг Навоий ижодидан хато излашга мойиллиги бор эди. Шу боис ҳам ҳазрат томонидан кўпинча тагдор ҳазилларга нишон бўларди.

Баъзан Навоийнинг ҳазилларидан зада бўлиб кетган Биноий бу ҳақда Жомийга, Султон Ҳусайн мирзога ҳам арз қилган экан. “Бобурнома”да қайд этилишича, охири ҳукмдор Ёқубхўжа ҳузурига, ундан қайтгач эса Самарқандга бош олиб кетган экан.

Ўша даврда шоир Муҳаммад Солиҳ ҳам Ҳиротда бир муддат яшаган. Бу ҳақда Бобур мирзо шундай ёзади: “Яна бири Муҳаммад Солиҳ эди, чошнилиғ ғазаллари бор, агарчи ҳамворлиғи чошнисича йўқтур, туркий шеъри ҳам бор, ёмон айтмайдур...”

Навоийнинг ҳовлиси оила, бола-чақасиз бўлгани учун меҳмонлар бемалол кириб-чиқадиган эркин ҳудудга айланган, ҳар ҳафта адабиёт ва санъат аҳли гап-гаштакка йиғиладиган жой бўлиб, бу гуруҳга қўшилиб қолиш катта саодат эди. Бундай элитага мансублик шарти битта бўлиб, кишида адабиёт ва санъат соҳасига доир яхши истеъдод, салоҳият, баркамол хулқ бўлиши лозим эди.

Бир ривоятга кўра, ана шу даврага мансуб ёш шоирлардан бири анча муддат беморлиги туфайли бу йиғинларда қатнаша олмайди. Соғлиги тиклангач, узрини айтгани бораётганида, бошқа тенгдошларини учратиб қолади. Уларга ўзининг мавқеини кўрсатиб қўймоқчи бўлиб, кимнинг ҳузурига кетаётганини айтади. Бу йигитлар ундан ўзларини ҳам шоирнинг ҳовлисига эргаштириб боришини илтимос қилишади. Бу йигит Навоийдан ижозат олмасдан, уч-тўрт ҳамроҳи билан шоирнинг ҳовлисига кириб боради. Аммо, Навоий уларга рўйхушлик кўрсатмай, ҳовлининг бошқа тарафига ўтиб кетади, ўзбошимча йигит эса ўртоқлари олдида ўсал бўлади ва улар изига қайтиб кетишади.

Бундай муносабатдан хафа бўлган йигит бир неча бор устози ҳузурига йўлга тушиб, яна ортига қайтиб, орадан бирор ҳафталарни ўтказиб юборади. Яна бир гал дарвоза олдида тараддудланиб, яна орқага қайтмоқчи бўлган пайти, шоирнинг ўзи дарвозани очиб қолади ва индамай ҳовлисига қайтиб киради, аммо табақани очиқ қолдиради. Бу билан ўша йигитга ичкарига кириши мумкинлигини билдиради...

Навоий ўз даври мода оламини ҳам бошқарган бўлса керак. Чунки, Навоийда нозик дид, тадбиркорлик илми бўлган. Ўзига тегишли савдо карвонлари, расталарида савдони жонлаштириш учун турли ранг ва аъло сифатли матолардан либослар – халат, салла, нимча ва пойабзаллар кийиб, бошқаларга кўрсатган.

Навоийнинг эгнидаги либослардан тиктириш учун бошқалар ҳам бу матолардан, пойабзаллардан сотиб олишган, тикувчиларни иш билан таъминлашган. Навоий бирор ҳафта кийган кийимини ёш шогирдларига совға қилиб юбориб, яна янги урфни намойиш этиб турганига ишора қилувчи ҳикоятлар ҳам бор.

Навоийнинг ибратидан ҳатто аёллар ҳам қуруқ қолишмаган. Бир гал Навоийнинг қулоғи оғриб, салласи остидан белбоғни туширганча томоғидан ўтказиб қулоғини муҳофаза қилиб юрганини кўрган аёллар бунинг номини “нози Алишерий” дейишган ва рўмолларини томоқларидан ўтказиб, бошларига ўрашни урф қилишган экан.

Биноий бу ҳолни ҳам ҳажв қилади ва Самарқандга кетишидан олдин эшагига тўқим-жабдуқ буюртириб, унга ёпилган ёпинчиқни “Алишерий ёпинчиғи” дея номлаган экан.

Навоий саройдан келадиган маошга боғланиб қолмаган, аксинча, тадбиркорлиги туфайли орттирган бойлигидан султон Ҳусайн мирзо ғазнасига сармоялар юбориб турганига доир маълумотлар ҳам бор.

**Оллоёр ХЎЖАНДИЙ**


TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Muassis:
**TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI**



“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalari tahrir hay’ati:

**Zoyir MIRZAYEV**
*(tahrir hay’ati raisi)*
**Ummat MIRZAQULOV**
**Hotamjon SAYDAHMEDOV**
**G‘afurjon MUHAMEDOV**
**Sirojiddin ESHQUVVATOV**
**Tohir ARIPOV**
**Mahmud TOIR**
**Uskenboy ATEMOV**
**Abdulla XURSANOV**
**Mahmudjon BOLTABOYEV**
**Kumush EGAMBERDIYEVA**
**Olimjon BEGALIYEV**
**Zarifa ERALIYEVA**
**Sergey MUTIN**

Bosh muharrir:
**G‘ayrat SHERALIYEV**

**Qabulxona:** (55) 520-64-95
**Bosh muharrir o'rinbosari:** (55) 520-04-10
**Mas’ul kotib:** (55) 520-05-10
**Bo‘lim muharrirlari:** (55) 520-06-20, (55) 520-04-20
**E'lonlar va hisob-kitob bo‘limi:** (55) 520-21-20
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Mas’ul kotib:
**Alloma AZIZOVA**
Navbatchi:
**Suhrobjon SADIROV**

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.
Bosishga topshirildi - 19.30
Nashr ko‘rsatkichi - 205.
Buyurtma G-1131.
4 906 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog‘oz bichimi A–2.
**Bahosi kelishilgan narxda.**

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo‘li ko‘chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko‘chasi, 2.
**ISSN 2010-9318.**

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo‘jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

**«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi. Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.**

1 2 3 4 5 6